

ЖАҲОН 24 соат ичида

Табиий офат оқибати

Украинада юз берган табиий офат кўп талафотларга сабаб бўлди. Тинимсиз кучли ёмғир ёғиши оқибатида юзага келган сув тошқини мамлакатнинг гарбий қисмидаги 40 мингдан ортиқ аҳоли яшаш пунктларига жиддий зиён етказган.



Сўнги маълумотларда келтирилишича, гарбий вилоятлардаги 33 минг гектардан ортиқ экин майдонлари сув остида қолиб кетган. Айни пайтда бу ҳудудларда аҳолини хавфсизроқ жойларга кўчириш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай табиий офат Украинада охириги 100 йилликда кўзатилмаган.

Жинойтчи қўлга олинди

АҚШнинг Ноксвилл шаҳрида (Теннесси штати) черковлардан бирига қуролланган шахс томонидан ҳужум уюштирилди.

«WBIR.com» интернет тармоғи тарқатган хабарга кўра, ҳужум оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва 19 киши турли даражадаги тан жароҳати билан касалхонага ётқизилган. Улардан олти нафарининг аҳоли оғирлиги маълум қилинмоқда. «Fox News» га интервью берган гувоҳлардан бирининг айтишича, 40-50 ёшлар атрофидаги киши черковда одам кўп вақти бостириб кирган ва қўлдаги қуролдан 30 марта ўқ узган. Маҳаллий полиция вакиллари эса жиноятчини ўқлари тугачгина, қўлга олишга муваффақ бўлган.

Ўспирин қиз қилмиши

Францияда банкларга ҳужум уюштиришда айбланган 16 ёшли қиз қамоққа олинди.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, бу жиноятчи ўнга яқин банкда ташкил этилган ўғирликларда иштирок этган. Бу қиз бир неча ҳафтадан бундан маъмулат шимолдаги банкларга содир этилаётган жиноятларнинг асосий иштирокчилардан бўлган. У банкларда мижозлардек ташриф буюриб, ходимларни қўриқиб, уларни икки қўли билан қамқаб олиб, уларни ҳозирча жиноий гуруҳдаги ҳамтоворлари ҳақида бирор бир маълумотни ошқор этмаган.

Портлаш юз берди

Туркиянинг Истамбул шаҳрида кучли портлаш юз берди.

«AFP»нинг хабар беришича, шаҳарнинг Понгюрен маззесида иккита портлаш уқунаси ҳаракатга келтирилган. Ҳукумат вакиллари теракт маҳаллий экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилганини айтишмоқда. Бошқа маълумотларда эса амалга оширилган кўпурчилик ҳаракатлари бошда Курдистон ишчи партияси турганини келтириб ўтилган. Теракт оқибатида 17 киши ҳалок бўлди ва 150 нафардан ортиқ инсон турли даражада жароҳатланди.

«Фунвон» хуружи

Яқиндагина жунбушга келган «Кальмэги» бўрони Тайван аҳолисини ташкига солиб қўйган.

Энди эса бу ерда «Фунвон» номли бурон хуруж қилмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатнинг шарқий соҳиллари бўйлаб ҳаракатланаётган довулнинг тезлиги сониясига 35 километрга тенг экан. Айни пайтда табиий офат зарар етказиши мумкин бўлган барча ҳудудларда мактаблар ва жамоат ташкилотлари фаолияти тўхтатилган. Бундан ташқари, 56 та маҳаллий йўналишдаги авиакатнов бекор қилинган. 100 минглаб инсон ҳар эҳтимолга қарши хавфсизроқ жойларга қўчирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Официальный дистрибьютор

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

ООО "CHIRCHIQ TERPO SYSTEM"

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ

ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган

МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

Чирчик шаҳри, Навоий кўчаси, 259.

Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т.ф. 5-59-87, 314-59-87.

E-mail: chts.uz@mail.ru



Мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлиқни мустаҳкамлаш, мижозларнинг банкларга бўлган ишончини янада ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг жамғаримини ўтган даври давомида анча самарали иш олиб борган Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Андижон вилояти филиали фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

— Банкимиз филиаллари мижозларига ҳар томонлама кўмак кўрсатмоқда. Ўз вақтида уларга етарли сармоялар ажратайти, бўш маблағларини эса кафолатли сақлаб даромадлари устига даромад қўшмоқда, шу билан бир қаторда, узок туман ва маҳаллаларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда, — дейди филиал бошлиғи Ойбек Зулунов. — Филиалларимизда мижозларга замонавий банк хизматини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Бунинг учун вилоятдаги 26 та туман (шаҳар) филиал ва минибанкларимиз, 150 та шохобча ва махсус кассаларда хизмат кўрсатаётган ходимларимизнинг малакаси ҳамда касбий билимлари мутасли ошириб борилмоқда. Банк филиалларига мурожаат қилган мижозларнинг талабларини имкон қадар тўлароқ қондириш, муаммоларини эшитиб, уларни икки қўли билан қамқаб олиш — бош мақсадиимиз. Бу эса банкимизнинг том маънода халқ банкига айланишига, унинг эл аро нуфузини оширишга замин бўлмоқда.

Молия муассасаларида

аллари томонидан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга 11,5 млрд. сўм, савдо ташкилотлари айланма маблағларини тўлдирishга 1,4 млрд. сўм, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва реконструкция қилиш учун саноат корхоналарига 1,4 млрд. сўм, шунингдек, пахта ва галла еттиштириш билан шуғулланаётган 475 та фермер ҳўжалиқларига 4,5 млрд. сўм микдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Тадбиркор аёлларга ҳамда, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланилаётган 1100 дан ортиқ кичик бизнес корхоналарига, шунингдек, савдо ва сервис хизматини ташкил этишга 850 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Мамнуният билан айтиб ўтишимиз керакки, вилоятимизда хизмат кўрсатиш, сервис ва савдо хизматини яхшилаш мақсадида 150 дан ортиқ шу йўналишдаги корхоналарга ажратилган кредитлар янги самара бериб, бу корхоналарда қўшимча равишда 250 га яқин иш ўринлари вужудга келди. Фақатгина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк филиалларининг кредит портфели қарийб 8,0 млрд. сўмга қўнғилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. — Айниқса, кўпчилик қишлоқ мурдорлари «Халқ банки» қўмағига таянган ҳолда энг замонавий, иш унуми юкори бўлган қишлоқ ҳўжалик техникаларига эга бўлаётди, — дейди суҳбатни давом эттирди Ойбек Зулунов.

Кредитлар — ривожланиш омилли

Анджон вилоятда тадбиркорлик йил сайин ривожланмоқда. Ҳудуддаги иқтисодий муваффақиятларга қорхона ва ташкилотлар, шу жумладан, фермер ҳўжалиқларининг хиссаси салмоқли. Рақамлар тили билан айтганда, кейинги уч йилда вилоятда 140 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, 30 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош махсусли ишлаб чиқармоқда. — Шаҳар аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш ва хариддоригр махсуслотлар ишлаб чиқариш мақсадида цехимизи қурилишига «Халқ банки»дан кредит олдим, — дейди Хонбод

Ижтимоий ҳимоя ва янги қўлайликлар

«Халқ банки» вилоят, туман марказларида анча олисда жойлашган қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисини савдо ва сервис хизматларини кўрсатишда ҳам ташаббускор бўлмоқда. Айниқса, банк томонидан қишлоқ жойларда янги тургун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, ишламай қолганларини реконструкция қилиш, шунингдек, уларни зарур айланма маблағлар билан таъминлашга кредит ажратилди.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕФОН БОҒЛАМАСИ

қуйидаги манзилларда истиқомат қилувчиларни ва корхоналарни ТЕЛЕФОН ЎРНАТИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- Юнусобод тумани, Мирқаримов кўчаси (Собиқ Башкирская), 9-уй;
- Ф. Мавлонов кўчаси, 1-2-уйлар;
- Миробод тумани, Нукус кўчаси, 2-уй;
- Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 1-2-уйлар;
- Гоголь кўчаси, 70-уй;
- С. Азимов кўчаси, 72-«А» уй;
- Амир Темуր шохқўчаси (Собиқ Мовароуннахр), 33-уй;
- Охунбобоев кўчаси, 43-уй;
- Амир Темуր шохқўчаси (Собиқ Мовароуннахр), 43-уй;

Марказ-4: 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 21, 22, 23-уйлар;
Марказ-2: 5, 6, 7, 8, 11, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 21, 23-уйлар;
Х. Олимжон кўчаси, 5-уй;
Марказ-1: 3, 4, 5, 6, 8, 9, 11, 12, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 23, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 49, 52, 54-уйлар.

Телефонларни расмийлаштириш учун Марказий телефон боғламаси мижозларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўлимига фуқаролар паспорт билан, корхоналар эса ўрнатилган тартибда хат орқали мурожаат қилишлари лозим.

Манзил: «Кичик халқа йўли» кўчаси, 2-уй (Собиқ Х. Асомов кўчаси). Мурожаат учун телефон: 234-70-39.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан хатланган, «Хоразм автйўл» махсус йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасига қарашли, Урганч шаҳри, И. Досов кўчаси, 19-уйда сақланаётган, «НИССАН-Патруль» русули, 30 С 5445 давлат белгили, тўқ яшил металл рангли (темнозеленный металл), 1998 йилда ишлаб чиқарилган техник соз ҳолатдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 50 804 556 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 19 август куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобоҷонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан суд ижрочилири бўлими вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхталади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк» «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63, факс: (8-362) 226-43-64.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса махсуслотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадқоқлаш уқуналари ва технологиялари



«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com

e-mail: info@powerglob.com

Такдим қилинадиган лойиҳа гоёлари Кичик грантлар дастури Миллий дастурий стратегиясида кўзда тутилган мавзу йўналишлари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, ГЭЖ КГДнинг барча талабларига жавоб бериши лозим.

Лойиҳа гоёларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ГЭЖ КГД Миллий дастурий стратегиясида кўрсатилган тартиб ва талаблар асосида амалга оширилади. Лойиҳа гоёларини қабул қилиш жорий йилнинг 30 декабригача давом этади.

Кичик грантлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги интернет саҳифасига мурожаат этинг:

<http://www.undp.uz/ru/projects/project.php?id=125>.

Барча савол, изох ва таклифларингизни бизга йўллашингиз мумкин: Алексей Волков, ГЭЖ КГДнинг Ўзбекистондаги миллий координатори. Телефонлар: 120-34-50, 120-34-62. Тошкент шаҳри, 100029, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй, БМТ ТД (UNDP)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биноси. Электрон почта манзили: alexey.volkov@undp.org ёки

Ноҳира Муҳаммадқулова, ГЭЖ КГДнинг Ўзбекистондаги ассистенти. Телефонлар: 120-34-50, 120-61-67. Тошкент шаҳри, 100029, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй. Электрон почта манзили: nodira.mukhammadkulova@undp.org

Биз барчани Ўзбекистон табиати ва аҳолиси манфаатлари учун лойиҳа гоёларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни кейинчалик ГЭЖ Кичик грантлар дастури доирасида амалга ошириш муҳокамасида иштирок этишга таклиф қиламиз.

SIRUBA

2411500 1848325 1848326

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Ёш полвонларимиз шохсупада

25-27 июль кунлари пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройи эркин, юнон руми ва хотин қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасидаги Осиё биринчилигида мезбонлик қилди.

Қитъа биринчилигида ҳамюртларимиздан ташқари, Эрон, Япония, Жанубий Корея, Қозғистон, Қирғизистон каби қитъанинг ўндан ортқ мамлакатидан келган 200 нафардан ортқ ёш полвонлар голиблик учун гиламга чиқдилар.

Таъкидлаш лозимки, спортнинг мазкур турлари бўйича юртдошларимиз қитъада тенгсиз эканликларини яна бир бор намойиш этидилар. Жумладан, юнон-рум кураши бўйича Нурбек Ҳаққулов, Элмурод Тошмуродов, Шерзод Курбонов, Бобурбек Зайнобиддинов, Дилшоджон Турдиев, Азизбек Мамамонов, Саидмухаммадуллоҳ Абдуллаев, Дилшод Сулаймонов эркин курашдан эса Нодиржон Сафаровлар ўз вази тоифаларида Осиё биринчилиги олтин медаллари соҳиби бўлишди.

Шунингдек, юртдошларимиз хотин-қизлар курашидан битта кумуш, тўртта бронза, эркин курашдан тўртта кумуш, учта бронза ҳамда юнон-рум курашидан битта бронза медалини қўлга киритдилар.

Биринчи меҳмон... мезбонлар

Ўтган яқинда кун Пекинда мажус бунёд этилган Олимпия қишлоғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради "Reuters" агентлиги.

Умумий ҳудуди 66 гектардан иборат бу масканда уч олти ва саккиз кишига мўлжалланган 42 та турар-жой бинолари мавжуд. Олимпия қишлоғида дунёнинг 205 та давлатидан келган 16 минг нафардан ортқ спортчилар 8-24 август кунлари истиқомат қилишади.

Янги манзилга биринчи бўлиб, 639 нафар Хитой спортчилари жойлаштирилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Хитой байроғи кўтарилди. Ёлсатиб ўтамиз, Хитой спортчилари сон жиҳатидан жамоалар ўртасида биринчи ўринда туришади.

Таъкидлаш лозимки, Олимпиада қишлоғи асосий мусобақалар ўтказиладиган майдонлар яқинида жойлашган. Бу ерда спортлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистонлик спортчилар Пекинда бўладиган ХХХ эзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи саралаш учрашувларини якунладилар.

Кеча Миллий Олимпия қўмитасида саралаш учрашувлари якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда маълум қилинишича, ўн кундан сўнг бошланадиган энг нуфузли мусобақада 58 нафар спортчимиз Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.



ОМАД ЁР БЎЛСИН, ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДАЧИЛАРИ!

Таъкидлаш лозимки, бу сафар ҳам йўлланмаларнинг энг кўпи (ун иккита) энгил атлетикачиларга тегишли бўлди: Светлана Радзевил, Надия Дўсанова, Гўзал Хуббиева, Анастасия Журавлева, Юлия Тарасова, Анастасия Свечникова, Бобур Шокиржонов, Виталий Смирнов, Павел Андреев, Олег Норматов, Леонид Андреев, Олег Журавлёв.

ланмани қўлга киритди: Ирина Шлемова, Пётр Ромашкин, Мария Бугакова Данил Бугаков, Ольга Гнедовская, Иван Демьяненко, Темура Эргашев, Иброҳим Назаров ва Сергей Паньков.

Дзюдочиларимизнинг саккиз нафари Олимпиадада юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди: Мария Шекерова, Зиннур Жаўраева, Ришод Собиров, Мирали Шарипов, Шокир Мўминов, Хуршид Набиев, Ўткир Курбонов, Абдулла Тангриев.

Боксчиларимизнинг етти нафарида йўлланмалар бор: Рафиқжон Султонов, Тўлашбой Дониёров, Хуршид Тожибоев, Баҳодиржон Султонов, Дилшод Маҳмудов,

Элшод Расулов ва Аббос Атоев.

Эркин курашчиларимиз ҳисобидаги йўлланмалар бештага етди: Дилшод Мансуров, Курбон Курбонов, Сослан Тигиев, Заурбек Соҳиев ва Артур Таймазов. Юнон-рум курашидан учта полвонимиз йўлланма соҳибига айланди: Эльдор Ҳафизов, Дилшод Орипов ва Давид Солдадзе. Таэквондо ВФДдан ҳам уч нафар спортчимиз йўлланмалар соҳиби бўлиши: Евгения

Каримова, Дмитрий Ким ва Акмал Эргашев. Шунингдек, спорт гимнастикасидан Антон Фокин ва Луиза Галиulina, академик эшак эшиш бўйича Руслан Нурзалиев, байдарка ва каноэда эшак эшишдан Вадим Меньков, ўқ отишдан Дилшод Мухторов ва Елена Кузнецова, оғир атлетикадан Мансур Чаъшимов ва Шерзод Юсупов велоспортдан Сергей Лагутин, трамполин бўйича Екатерина Хилько ҳамда теннисчи Оқул Омонмуродовлар ҳам Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

"Курувчи" жамоасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. 2007 йил мамлакат чемпионатининг кумуш медалига оазовор бўлган жамоа Ўзбекистон кубогига ҳам финалгача етиб келди. Уч йил ичида мамлакатимизнинг энг етакчи жамоаларидан бирига айланган Миржалол Қосимов шоғирдлари бу йилги мавсумда барча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилганлар. Президентимиз томонидан эълон қилинган Ёшлар йилида ёш юлдузларни кашф қилиш жамоанинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундай ёшлардан бири жаззалик Жасур Ҳасановдир. Унга мавсум бошида асосий таркибдан жой тегмаётган эди. Бироқ у тажрибали ҳамкасблари соҳида қолиб кетмади. Машгулотларда тинмай ўз устида ишлади, бунинг натижасида жамоанинг чап қанот эрим ҳимоси тўлалигича унга ишониб топширилди. Жиддий учрашувларда ажойиб ўйинлар кўрсатган Жасур миллий терма жамоа мураббийлари эътиборидан четда қолмади. У жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида тайёргарлик кўраётган терма жамоамиз таркибдан номзод сифатида кўшилди. Биз Жасур Ҳасанов билан қисқача суҳбатлашдик:

Жасур ҲАСАНОВ:

АСОСИЙ ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ҲАЛИ ОЛДИНДА

— Аввало, қисқа таърифдан сўнг яна миллий терма жамоамизга номзод ўйинчилар қаторидан жой олганингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат, бундан ўзим ҳам жуда хурсандман. — Мавсум сиз учун кўнглидагидек бошланганда, кўпроқ захирада қолиб кетаётгандингиз...

— Бунга асосан жароҳатлар сабаб бўлди. Жароҳат олганлигим туфайли жамоамизнинг Алустада ўтказилган биринчи қишки йигинини ўтказиб юбордим. Ваҳоланки, йил давомида жисмоний ҳолат яхши бўлишда қишки йигинларнинг аҳамияти катта. Кейинчалик, Туркия йигинида сафга қўшилган бўлсам-да, жамоадорларимдан анча орқда қолаётганимни ўзим ҳам сезгандим. Бу йил мен учун омадсиз келди, энди захирада

қолиб кетсам керак, деган ҳаётлар ҳам кўнглимдан ўтди. Аммо бош мураббий Миржалол ака билан жиддий суҳбатлашганимдан кейин дастлабки умид унқулари уйғонди. У киши менга ишондики, фақат жароҳатдан тўла халос бўлганимдан сўнг таркибга киритишни, бунинг учун эса жуда кўп меҳнат қилишим лозимлигини ўқирди. Мен мураббий кўрсатмаларига амал қилдим, бу орада чемпионат ҳам бошланиб кетди. Жисмоний ҳолатим меъёрига етган, мураббийлар секин-аста захирадан майдонга тушира бошладилар. Ниҳоят, ўйиним очилиб борди ва асосий таркиб ўйинисига айландим. Тез орада терма жамоадан ҳам "чакирив қорғози" келди...

— Сизнинг тезкор ҳужумларингиз ва бутун ўйинни юқори даражада ўтказишингиз муҳлисларда катта таассурот қолдирмоқда...

— Дастлаб асосий таркибда майдонга тушаётганимда мураббийлар 90 дақиқа юқори даражада ўйнай олмаганимни яхши билишарди. Шу боис улар 45 дақиқа давомида чап қанотдан тинмай ҳужум уюштиришнинг уқтиришарди. Бу икки томонлама самара беради. Биринчидан ҳужумлар натижасида биз тезкор гол уриш имкониятига эга бўлардик, иккинчидан рақибнинг ўнг қанот ҳимоячилари чарчаб қолишарди ва иккинчи бўлимда анча тажрибали Виктор Карпенко менинг қанотимдан жой оларди ва толиққан ҳимоячиларни ортда қолдириб, олдидан зарбалар беради. Секунд-васта жисмоний ҳолатим меъёрига етган, энди майдонда тўлиқ ҳаракат қилаёйман. Саволингизга келсак, чарчамайидан инсоннинг ўзи йўқ, фақат кучни тўри тақсимлай билиш катта аҳамиятга эга.

— Бу йил ўз олдида катта мақсадларни

қўйган "Курувчи" таркибига бир қатор маҳаллий ва хорижий тажрибали футболчилар жалб этилди. Улар орасида ўз ўрнигини йўқотиб қўйишигиздан қўрмайсизми?

— Футбол жамоавий ўйин ва унда ғалаба қозониш учун барча бирдек тер тўкиши керак. Тажрибали ўйинчилар бунга яхши билишади ва ёш ҳамкасблари қардадир хато қилса, товуш кўтариш ўрнига далда бериш кўпроқ самара беришини яхши англашади. Илҳом бори-ча ўз устида меҳнат қилиб, жамоадаги ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қиламан.

— Демак, "Курувчи" қанча тажрибали ўйинчилардан ташкил топмасин, унда ёшларга ҳам ўрин топилишига ишонса бўларкан...

— Бу жамоанинг устувор йўналишларидан бири ҳисобла-

нади. Тажрибали ўйинчиларсиз ҳозирги маъқимизга эришишимиз қийин кечарди, албатта. Тажриба ва ёшлиқнинг уйғунлиги ғалабалар омили бўлмакда, десам тўғри бўлади. Жамоада анагина машҳур ўйинчилар бўла туриб, 16-17 ёшли футболчиларга ҳам имконият берилаётгани фикримга далил бўла олади.

— "Курувчи"нинг мусобақалардаги зафарли одами жамоа муҳлисларига олам-олам қувонч бағишлаётгани шубҳасиз. Унинг Осиё чемпионат лигасида ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаши эса бутун ўзбекистонликлар учун ҳақиқий совға бўлди. Биз бундай ғалабаларни соғиниб қолган эдик...

— Осиё чемпионат лигасининг гуруҳ баҳсларига қуръа ташланганда кўпчилик бизга омадсизлар сифатида қараганди. Сабаби бизга қитъанинг икки кучли жамоаси рўбарў келганди. Саудия Арабистонининг "Ал Иттиҳод" клуби чемпионлар лигасининг икки карра голиби бўлса, Эроннинг "Сепехон" жамоаси турнир финалиси сифатида клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган. Майдонга мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш иштиқидида тушдик. Юртдошларимизга олам-олам қувонч бағишлаганимиздан бахтиёримиз.

Биз энг кучли гуруҳда голиб чиқдик, демак қолган жамоалар билан ҳам тенгма-тенг ўйнашга кучимиз етади. Фақат омад биздан юз ўғирмаса бўлгани.

"Халқ сўзи" муҳбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.



ЯНГИЛИК / TRANSCAPRO МОСКВА бизнес класс янги тарифи Бир томонга 330* евро ва ундан юқори. * Такса ва янимлар ҳисоба олинмаган. Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 233-27-45.

skywin Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco. 100031, г. Ташкент, ул. Афросиад, 2, офис 14. Тел./факс (+998 71) 140-04-24, tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz

Зимний сад Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco: - архитектура и дизайн из стекла и солнечного света; - высококачественные долговечные материалы; - оптимальная вентиляция и теплоизоляция. Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем. SCHÜCO Поставка продукции только под заказ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайати ҳамда қасаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, геология-минерология фанлари доктори, профессор Файзулла Асадуллаевич УСМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради. «Зарагросервис» жамоаси бош раҳбар Равшан Маҳаммадҷонович Умаровга волидаи муҳтарамаси ДИЛБАРХОН онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Abonent to'lovi \$ 0,00 O'zR uyali aloqa operatorlaridan kirish qo'ng'iroqlari \$ 0,00 Tarmoq ichidagi chiqish qo'ng'iroqlari so'zlashuvning 1-daqiqasidan so'ng \$ 0,01 "Ko'proq so'zlashing" tarif rejasi Yanada ko'prog'ini kuting u cell

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, қажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. Газета таҳририят компьютер марказида теряли ҳақида операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона марч.ли: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5